

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**46-сон**  
**(858)**  
**2018 йил**  
**19 ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

887. «2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 ноябрдаги ПФ–5574-сон Фармони
888. «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ–5577-сон Фармони
889. «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ–4015-сон қарори
890. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПҚ–4016-сон қарори

891. «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПҚ-4017-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

892. «Пахта толасини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 ноябрдаги 923-сон қарори
893. «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 924-сон қарори
894. «Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 925-сон қарори
895. «Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 926-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

896. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 9 октябрдаги 52-сон «Сугориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3086*)
897. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 22 октябрдаги 50-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3087*)
898. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 11 октябрдаги 2018/23-04, 133, 01-02/8-62-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131-3*)
899. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 140, 75-сон «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2124-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 10 ноябрдан 16 ноябргача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **887** 2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида\*

2019 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2019 йилда қуйидаги кўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

2 январь — чоршанба;

22 март — жума;

2 сентябрь — душанба.

2. 2019 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

5 январь — шанба 3 январь — пайшанбага;

1 июнь — шанба 6 июнь — пайшанбага;

7 сентябрь — шанба 3 сентябрь — сешанбага;

28 декабрь — шанба 31 декабрь — сешанбага.

3. Белгилаб қўйилсинки:

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган кўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган кўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ кўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига кўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ,

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 ноябрь,  
ПФ-5574-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**888** Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, хусусий бизнесга катта эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш, хорижий инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўриломқда.

Шу билан бирга, қурилиш соҳасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш ушбу соҳасида ислохотларни жадал амалга оширишга ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар борлигини кўрсатди.

Шаҳарсозликни техник тартибга солишнинг бозор воситаларини жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти, қурилиш соҳасида катта миқдорда давлат маъмурий-бошқарув ва назорат функциялари сақланиб қолмоқда.

Объектларни лойиҳалаштириш ва қуришдаги нормалашнинг мавжуд кўрсатма берувчи усули инновацион лойиҳавий ечимлар ва янги илмий-техник ишланмаларни қўллашга тўсқинлик қилмоқда, ички ва хорижий инвестицияларни қурилиш соҳасига жалб қилишни секинлаштирмоқда.

Халқаро савдонинг ҳозирги глобаллашув шартларига жавоб берадиган қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш соҳасида кадрларни профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими мавжуд эмас.

Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

барча қурилиш объектлари учун лойиҳаларнинг смета қисмини экспертизадан ўтказиш мажбурийдир, қурилиши тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган объектлар бундан мустасно;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси, кадастр органлари, буюртмачи, пудратчи (бош пудратчи) вакиллари иштирокида амалга оширилади, давлат харидлари субъектлари маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш бундан мустасно;

пудрат ташкилотлари ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида консорциум таш-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

кил этиш ҳамда консорциум иштирокчилари зиммасига лойиҳани сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун солидар жавобгарликни юклаш орқали «fast-track» усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида лойиҳаларни амалга оширишга йўл қўйилади;

б) 2019 йил 1 январдан бошлаб:

лойиҳалаш ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари, ташкилотлари, жамиятлари ва бирлашмалари томонидан берилган сертификатлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар (лицензиялар) тан олинади;

қурилиш учун ер участкаларининг ўз вақтида ва тўғри ажратилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган бош режага ёки ер участкаларини жойлаштириш схемаларига (бош режа мавжуд бўлмаганда) боғламасдан амалга оширилиши учун тегишли ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланади;

қурилиш учун ер участкалари ўз вақтида ажратилмаслиги ёки нотўғри ажратилиши натижасида юзага келган харажатлар маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан, кейинчалик айбдор шахслардан регресс тартибда ундириш орқали қопланади;

миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш фақат танлов асосида амалга оширилади;

миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқишда, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштиришда мулкчилик шаклидан қатъи назар миллий ва хорижий юридик шахслар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, шунингдек шу соҳага ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этишга ҳақли;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича ишларнинг буюртмачиси ҳисобланади;

қурилиш нормалари ва қоидалари ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари асосида Қурилиш вазирлигининг қарори билан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қурилиш стандартлари, техник регламентлар, қурилиш нормалари ва қоидаларининг ягона каталогини юритиш, расмий веб-сайтида эълон қилиш ва янгилаб бориш орқали каталогдан бемалол фойдаланишни таъминлаш «Ўзстандарт» агентлигига юкланади;

в) 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

малакага эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий бўлган қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси томонидан амалга оширилади;

лойиҳалаш фаолиятини амалга оширишга штатида тегишли сертификатга эга ва доимий асосда ишлайдиган камида икки нафар муҳандис мавжуд бўлган ёхуд Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси аъзоси бўлган юридик шахсларга рухсат берилади;

объектларни қуришнинг барча босқичларида муаллифлик ва техник назорат мажбурийдир ҳамда тегишли равишда лойиҳа муаллифи ва буюртмачи томонидан ёки сертификатга эга эксперт жалб қилиш йўли билан амалга оширилади;

қурилаётган объектлар устидан муаллифлик назорати, техник назорат ва текширув фақат белгиланган тартибда сертификат олган мутахассислар томонидан амалга оширилади;

г) 2020 йил 1 январдан бошлаб уй-жой қурилиши объектлари лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида энергия-самардор ва энергия-тежамкор ускуналар билан мажбурий равишда жиҳозланиши, шунингдек, улар фойдаланишга қабул қилинишидан аввал энергетик аудит паспортини олиши керак, BREEAM (бинолар самарадорлигини экологик баҳолаш усули) ва LEED (энергия-самардор ва экологик лойиҳалаштириш бўйича қўлланма) халқаро стандартлари бўйича сертификатга эга объектлар бундан мустасно.

2. Адлия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг қурилиш соҳасини техник тартибга солишнинг норматив базасини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

тайёргарлик даври (2019 — 2021 йиллар) — Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалдаги миллий қурилиш нормаларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш;

ўтиш даври (2022 — 2026 йиллар) — миллий қурилиш нормалари ва қоидаларига мослаштирилган қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни амалиётга жорий этиш, қурилиш соҳасига инновациялар жорий этиш, янги технологиялар, материаллар, буюмлар ва конструкцияларни ўзлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

яқуний давр (2027-2028 йиллар) — миллий ва мослаштирилган хорижий қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини қўллаш тажрибасини умумлаштириш асосида қурилиш соҳасини техник тартибга солишнинг ягона норматив базасини яратиш.

3. 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш стандартлари, техник регламентлари, қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш жадвали (кейинги ўринларда — жадвал) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда жадвал бўйича ишларни молиялаштириш учун зарур ажратмаларни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги ва Бош



прокуратура билан ҳамкорликда жадвалнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Қуйидагиларга шахсий жавобгарлик юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматовга — қурилиш соҳасига замонавий бозор механизмлари ва халқаро стандартларни, илғор технологиялар ва ноу-хауни жорий этиш, шунингдек, тармоқдаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг инновацион методологик дастурларини ишлаб чиқиш учун;

Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадовга — миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш учун халқаро молия институтлари, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар маблағларини жалб қилиш, шунингдек, хорижий норматив-техник стандартларни мослаштириш учун;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А.Х. Тўхтаевга — 2021 йилнинг охиригача Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» гуруҳи ҳисоботида «қурилиш учун рухсатномалар олиш» кўрсаткичи бўйича республика кўрсаткичларини йилдан-йилга яхшилаб борган ҳолда республикани жаҳоннинг энг илғор 50 мамлакатлари қаторига киришига эришишни қурилиш соҳаси фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири этиб белгилаб, ушбу тармоқнинг норматив-ҳуқуқий базасини илғор хорижий тажриба асосида янада такомиллаштириш ва янгилаш учун.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ–3895-сон қарори 9-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси:

«Business city» марказларини ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлар марказини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида инвесторларга;

«Business city» марказларини ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлар марказини «fast-track» усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилинадиган, шу жумладан, хорижий пудратчиларга татбиқ этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) 2018 йил 20 декабрга қадар:

Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни қабул қилиш ва мослаштириш учун ваколатли хорижий органлар ва ташкилотларнинг расмий рухсатини олишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси ва Ўзбекистон архитекторлар

иттифоқи билан биргаликда лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқсин;

Адлия вазирлиги билан биргаликда миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек, қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш учун танлов ўтказиш регламентини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ билан биргаликда «Ўзқурилишматериаллари» АЖ фаолиятини ҳамда қурилиш материаллари ва буюмлари соҳасидаги стандартлаштириш ва сертификатлашнинг амалдаги тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) 2019 йил 1 мартга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва мамлакат ҳудудига илк маротаба олиб кириладиган қурилиш ускунаси, техникаси, материаллари ва буюмларини сертификация қилувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораторияларини ташкил этиш;

давлат органларининг идоравий объектларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи функцияларини бажарувчи таркибий бўлинмаларини ташкил этиш;

лойиҳалаш институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш, шу жумладан лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш механизмлари ва лойиҳавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддатларини белгилашни такомиллаштириш;

хисобланган қиймати тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига нисбатан ошиб кетган қурилиш объектларини молиялаштириш тартибини аниқлаш;

мамлакатнинг ҳар бир ҳудудига йирик ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш.

6. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташки ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги амалдаги миллий қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш, қурилишга оид хорижий норматив-техник ҳужжатларни мослаштириш ва амалиётга жорий этиш бўйича ишларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар ва донорларнинг маблағларини жалб қилишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб қурилиш жараёнининг барча иштирокчилари (буюртмачи, лойиҳаловчи, пудратчи) учун BIM технологияларини қўллашга босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи тартибни тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси билан биргаликда қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлаш соҳасидаги фаолиятнинг лицензияланадиган турларини сертификатланганлиги, аккредитациядан ўтказилганлиги ва лицензияланганлигини қайта кўриб чиқсин, қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги фаолиятни аккредитациядан ўтказиш, сертификатлаш ва лицензиялаш тартибини тасдиқласин:

2019 йил 1 мартдан бошлаб лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги фаолиятни сертификатлаш ваколатларини Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасига, қурилиш соҳасидаги аккредитация ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация марказига бериш;

Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасининг лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги сертификатлаш учун масъул ходимларининг малакасига ва тажрибасига талаблар белгилаш;

аниқ, батафсил лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек, лицензия даъвогарининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини текширишнинг самарали механизмини кўрсатган ҳолда лицензия битимини имзолашни бекор қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда қурилиш соҳасини назорат қилувчи инспекциялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шу жумладан, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

9. Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

а) 2019 йил 1 январга қадар:

қурилиш объектлари конструкциялари ва функциялари хавф-хатар тоифалари бўйича объектларни таснифлаш юзасидан лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича объектларнинг мураккаблик тоифалари Классификаторини қайта кўриб чиқсин;

лойиҳа ҳужжатлари экспертизадан ўтказувчи, қурилишнинг олиб борилиши устидан техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи, қурилаётган объектларни текширувчи шахсларнинг малакасига ва уларни сертификатлашга талаблар қўйиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида уй-жой қурилиш объектларини энергия нуктаи назаридан самарадор ва энергия тежовчи ускуналар билан жиҳозлашга мажбурий талаблар ўрнатилишини назарда тутувчи тартибни 2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) 2019 йил 1 апрелга қадар лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги кадр-

ларнинг, шу жумладан, профессор ва ўқитувчиларнинг хорижий мамлакатларда албатта амалиёт ўтказишини ташкил этган ҳолда узлуксиз, шу жумладан, масофавий касбга ўқитиш ва малакасини ошириш учун олий таълим муассасалари ўқув дастурларини ушбу Фармон талабларига мувофиқ кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритсин;

г) 2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин, кодекснинг ўзида уни тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларини, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутсин:

қурилишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий принциплари, функциялари ва органлари, норматив-техник ҳужжатларни жорий этиш ва уларнинг каталогларини юритиш, қурилиш соҳасидаги аккредитация тартиби;

бош режаларни, батафсил жойлашув лойиҳаларини, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш учун талабномаларни келишиш, пудрат учун давлат шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби;

лоyiҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш объектларининг қурилиш инспекциясини амалга ошириш ва фойдаланишга қабул қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш тартиби;

лоyiҳалаш ва қурилиш соҳасида ишлайдиган архитекторлар ва муҳандислар малакасига талаблар қўйган ва уларнинг жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик даражасини белгилаган ҳолда қурилиш тармоғини профессионал жиҳатдан тартибга солиш;

ўтиш даври қоидалари, шу жумладан, қурилиш назорати сифатини, конструктив хавфсизликни, жавобгарлик тартибга солинишини ва суғуртани таъминлайдиган, қурилиш фаолияти субъектларининг рақобат муҳити ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлайдиган бошқа масалалар;

д) бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 ноябрь,  
ПФ–5577-сон

**2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш стандартлари,  
техник регламентлари, қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш  
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Норматив-техник ҳужжатларнинг номланиши	Жами	Шундан		
			2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Ташкилий-услубий нормалар	29	6	12	11
2.	Лойиҳалашнинг техник нормалари	120	30	50	40
3.	Қурилиш саноатини ташкил этиш қоидалари ва технологияси	43	12	24	7
4.	Иқтисодий нормативлар	145	40	60	45
5.	Умумий техник регламентлар	2	2	-	-
6.	Давлат стандартлари	126	30	50	46
7.	<b>Жами</b>	<b>465</b>	<b>120</b>	<b>196</b>	<b>149</b>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**889 Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича  
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳани янада жадал ривожлантиришга, жумладан замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва тайёр паррандачилик маҳсулотлари экспортини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси паст, тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда ярим тайёр маҳсулотлар улуши юқорилигича қолмоқда, шунингдек парранда чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш тизими йўлга қўйилмаяпти;

иккинчидан, паррандачилик соҳасида, асосан, товуқ етиштириш билан чекланиб қолинмоқда, бошқа парранда турлари (курка, бедана, фоз, ўрдак, туякуш, каклик ва бошқалар) етиштиришни оммалаштириш чоралари кўрилмаяпти;

учинчидан, парранда касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий биологаториялар ташкил этилмаганлиги оқибатида паррандалар орасида юқумли касалликлар тарқалиб бормоқда;

тўртинчидан, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий услубларига ўқитиш, соҳа мутахассисларида инновацион ёндашувлар ҳамда кўникмалар шакллантириш, ишлаб чиқаришда юқори сифатга эришиш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш ишларига етарлича эътибор қаратилмаяпти;

бешинчидан, парранда озуқа базасини яратиш, импорт ўрнини босувчи озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган;

олтинчидан, парранда маҳсулотлари экспорт қилинаётган давлатлар географиясини кенгайтириш, шу орқали экспорт ҳажмини кескин ошириш чоралари кўрилмаган;

етинчидан, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш бўйича тажриба етарли эмас, бу борада етакчи хорижий ҳамкорлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилмаяпти.

Республикада паррандачиликни янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага илғор технологиялар ва инновацион ишланмаларни жорий этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, уларнинг турлари ва экспорт кўламини кенгайтириш мақсадида:

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

1. Қуйидагилар паррандачилик соҳасини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар этиб белгилансин:

рақобатбардош парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали аҳолини етарли миқдорда парранда маҳсулотлари билан барқарор ва мақбул нархларда таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш;

илғор хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда паррандачилик кластерларини ташкил қилиш, бунда инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш;

соҳага фаол инвестиция жалб этиш орқали парранда маҳсулотларини, шу жумладан, парранда чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли парранда маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

илмий-диагностика лабораториялар ташкил қилиш орқали паррандалар орасида касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш; озуқа базасини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи озуқа ва витаминларни ишлаб чиқариш;

паррандачилик соҳасида юқори малакали мутахассисларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2019 йилда республикада:

паррандалар сони ва етиштириладиган маҳсулотларнинг прогноз параметрлари 1 ва 1а-иловаларга\* мувофиқ;

паррандачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишнинг прогноз параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

паррандачилик маҳсулотларини экспорт қилишнинг прогноз параметрлари 3-иловага\* мувофиқ;

саноат усулида боқилаётган паррандаларнинг озуқага бўлган талаби параметрлари 4-иловага\* мувофиқ;

парранда озуқасини етиштириш учун тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган ер майдонлари 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Паррандасаноат» уюшмаси ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан биргаликда ушбу қарорга асосан ўрнатилган прогноз параметрлари ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва паррандачилик хўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиб тасдиқласин, уларнинг самарали ва тўлиқ ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдорида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг устав капиталидаги давлат улуши оширилсин.

---

\* 1-1а — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ устав капиталига йўналтириладиган Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ–2718-сон «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан ажратилади;

Жамғарма уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган маблағларни «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ устав капиталига ўтказиб берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўрнатилган тартибда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан чиқариладиган акцияларни рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ устав капиталига киритилаётган 50 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги мақсадли маблағлар паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун бошқа тижорат банкларига ҳам кредитлар ажратиш учун йўналтирилади;

тадбиркорлик субъектларига ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича имтиёзлар фоиз ставкаси бўйича тўловларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш шаклида берилади;

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Жамғарма томонидан ушбу бандда назарда тутилган маблағларни банкнинг устав капиталига ўтказилган кундан бошлаб бошқа тижорат банклар томонидан тақдим этилган паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида уларнинг ҳисоб рақамларига пул маблағларининг ўтказилишини таъминлайди;

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва бошқа тижорат банклари паррандачиликни ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни чуқур таҳлиллар асосида рентабеллик, самарадорлик ва пул оқимларининг кредит ҳамда улар бўйича фоизларни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиради.

5. Паррандачилик лойиҳалари ҳажми ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар тижорат банклари томонидан 2019-2020 йилларда ажратилаётган кредитлар фоизи учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация беришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

айланма маблағларни тўлдиришга (инкубацион тухумлар, 1 кунлик жўжа, озуқа маҳсулотлари, дори-дармон ҳамда қўшимча компонентлар ва бошқалар) тижорат банки томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 25 фоизи миқдорда, аммо кредит ставкасининг 5 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

насли она товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб



олиш, паррандачилик кластерларини ва инкубация цехларини ташкил қилиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника ва бошқа асосий воситаларни харид қилиш ҳамда барпо этиш учун тижорат банки томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдорда, аммо кредит ставкасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Тижорат банклари паррандачилик лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий банклар маблағларини жалб этиш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу имтиёзлар учун зарур бўлган маблағларни 2019-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига белгиланган тартибда ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва «Паррандасаноат» уюшмасининг Уюшма ҳузурида барча парранда хўжаликларига хизмат кўрсатувчи замонавий илмий-диагностика лаборатория марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

парранда касалликларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш;

паррандаларни озиклантириш учун илмий асосланган меъёрларни ишлаб чиқиш;

барча турдаги парранда гўшти ва тухум маҳсулотларини қайта ишловчи технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

паррандачилик маҳсулотларининг биологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, паррандаларни боқиш ва уларга берилаётган озуқа базасининг таркиби ва сифатини мониторинг қилиш;

барча турдаги парранда гўшти ва тухумларидан фойдаланган ҳолда умумий, болалар, парҳез ва махсус овқатланишнинг янги турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

паррандачилик хўжаликлари технологик лойиҳалари меъёрларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Тошкент вилоят ҳокимлиги илмий-диагностика биологическая лаборатория марказини жойлаштириш учун Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Тинчлик масивидан умумий майдони 1 гектар бўлган ер участкасини ажратсин.

«Паррандасаноат» уюшмаси илмий-диагностика биологическая лаборатория марказини зарур бўлган замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва «Паррандасаноат» уюшмаси билан бирга-ликда паррандачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида илмий-амалий марказни ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Паррандасаноат»

уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда паррандачилик соҳасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш мақсадида узвий ҳамкорликни йўлга қўйсин, паррандачилик соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича «Йўл харита»си ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг босқичма-босқич барча ҳудудда парранда етиштириш, уни қайта ишлаш ва якуний тайёр маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчига етказиш жараёнини тўлиқ қамраб олган паррандачилик кластерларини ташкил этиш (шу жумладан, 2019 йилда 13 та) тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини, молиялаштириш манбалари ва ер майдонларини аниқлаб 2019-2021 йилларда паррандачилик кластерларини ташкил этишнинг манзилли дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи хавф ва муҳим назорат нуқталарини таҳлил қилиш («НАССР»), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти («ISO») ва «Halal» стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда, паррандачилик корхонасини технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқсин ва парранда маҳсулотларини халқаро тан олинган сертификатлаштириш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, парранда касалликларига эмлаш учун ишлаб чиқаришнинг муносиб амалиёти (GMP — Good Manufacturing Practice) сертификатларига эга бўлган хорижий ишлаб чиқарувчи компанияларнинг вакцина ва биопрепаратлари Ўзбекистон Республикасида тан олинади ва қўшимча мувофиқлик сертификатлари талаб қилинмайди.

12. «Ўзэлтехсаноат» АК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда парранда маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмлар ишлаб чиқаришни 2022 йил якунига қадар маҳаллийлаштириш чораларини кўрсин.

«Паррандасаноат» уюшмаси парранда маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни маҳаллийлаштириш мақсадида уларнинг рўйхатини зарур эҳтиёж билан шакллантирсин ҳамда «Ўзэлтехсаноат» АКга тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси рес-

публикада парранда маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш босқичлари учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни ишлаб чиқиш мақсадида «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларига асосан хорижий инвесторларни жалб этсин.

13. «Паррандасаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг паррандачилик хўжаликлари томонидан импорт қилинаётган ем бўладиган донни темир йўл орқали ташишда, истисно тариқасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги темир йўллари тариф сиёсатининг 35 фоизидан кўп бўлмаган микдорда чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот» АК паррандачилик хўжаликларига талаб қилинадиган дон маҳсулотларининг ҳар ойда биржа савдоларига қўйиб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасидаги савдоларда паррандачилик хўжаликларига дон маҳсулотлари савдосида қатнашиш «Паррандасаноат» уюшмаси томонидан солиқ ҳамда ветеринария ҳисоботларида акс этган парранда бош сонидан келиб чиқиб ва белгиланган тартибда дон маҳсулотлари бўйича тасдиқланган меъёрларга мувофиқ тузиладиган рўйхат асосида паррандачилик хўжаликлари иштирок этиши ҳамда ушбу рўйхат доимий равишда «Паррандасаноат» уюшмасининг веб-сайтида жойлаштириб борилиши белгилансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги парранда бош сони, дон маҳсулотлари бўйича тасдиқланган меъёрларга риоя этилганлигини тизимли мониторинг қилади, шунингдек, дон маҳсулотлари савдосида паррандачилик хўжаликларининг қатнашиши ёки қатнашмаслиги юзасидан «Паррандасаноат» уюшмасига ҳар ойда маълумот тақдим этади.

15. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК республикага хориждан олиб кириладиган барча турдаги насли паррандаларнинг 1 кунлик жўжаларини, парранда озуқа ва озуқа қўшимчаларини узлуксиз ташиш мақсадида «Паррандасаноат» уюшмаси ва паррандачилик хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатсин.

16. 2021 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

насли она товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, парранда етиштиришни ташкил этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, инкубация цехларини ташкил этиш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асосий воситалар;

чет эл ташкилотлари ва унинг шўъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан паррандачилик хўжаликлари эҳтиёжи учун четдан келтирадиган парранда озуқа ва озуқа қўшимчалари, ветеринария препаратлари, диагностикаумлар ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

17. «Паррандасаноат» уюшмасига:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазир-

лиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда паррандачилик хўжаликлари томонидан импорт қилинаётган озуқалар, озуқа қўшимчалари ва асбоб-ускуналари ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиб кирилиши учун амалий ёрдам кўрсатиш;

2019 йил 1 февралга қадар муддатда ўз таъсис ҳужжатларини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштириш, бунда асосий эътиборни барча паррандачилик хўжалиklarини «Паррандасаноат» уюшмасига аъзо бўлиши учун мақбул шарт-шароитларни яратишга қаратиш тавсия этилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Паррандасаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда республикада соя ва кунгабоқар донларини қайта ишлаш бўйича замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда парранда маҳсулотларини сотиш учун «Паррандасаноат» уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган намунавий савдо фирма дўконларини ташкил этиш ва жойлаштириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиб тасдиқласин;

паррандачилик соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини пухта ишлаб чиқиб, хорижий ҳамкорларни жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга тақдим этсин.

20. «Паррандасаноат» уюшмасининг мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий сайёҳлар, турли мамлакатларнинг паррандачилик соҳаси вакиллари, эксперт ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида паррандачиликка оид кўргазма ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Паррандасаноат» уюшмасининг буюртмалари бўйича соҳани ривожлантириш ва замонавий техникаларни ўзлаштириш юзасидан таклиф этаётган хорижий мутахассислар ва кўргазмаларнинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йиғимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин (ҳақиқий харажатларни қоплаш йиғимлари бундан мустасно).

22. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Паррандасаноат» уюшмасининг буюртмалари бўйича жалб қилинган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек вақтинча прописка қилиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олиниши ва уларнинг узайтирилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, бошқа вазирлик ва идоралар «Паррандасаноат» уюшмасига мазкур қарор ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

24. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродовга — ҳудудларнинг паррандачиликни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни излаш, паррандачилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсуповга — мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар ижроси устидан хўжаликлар кесимида мониторинг тизими ўрнатилиши ва уларнинг ҳисоботи юритилиши, паррандачилик кластерларининг фаолияти ташкил этилиши ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши учун;

«Ўзэлтехсаноат» АК раиси А.А. Абдуллаевга — парранда маҳсулотларининг барча турларини етиштириш, уларни барча босқичларда қайта ишлаш учун асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларнинг республикада ишлаб чиқарилишини ташкил этиш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига — мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва паррандачилик хўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурлари ўз вақтида ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши ва уларнинг ижроси устидан доимий назорат олиб борилиши, шунингдек, паррандачилик корхоналарига озуқа етиштириш учун ер майдони ажратилиши ва озуқа учун экилган дон экинлари давлат буюртмасига олинмаслиги учун шахсий жавобгарлиги белгилансин.

25. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига «Паррандасаноат» уюшмаси билан биргаликда паррандачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

26. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «Паррандасаноат» уюшмасини жойлаштириш ва бино қуриш учун ер майдонини ажратсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 ноябрь,  
ПҚ-4015-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**890 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида\***

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг интеллектуал мулк бозорини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида МДХ иштирокчи-давлатларининг ҳукумат раҳбарлари Кенгаши йиғилишида 2018 йил 1 июнь куни Душанбе шаҳридаги имзоланган Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул марказий ваколатли орган, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги ўзларига тааллуқли қисми бўйича масъул ваколатли органлар этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида ва уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органлар ҳақида тегишли билдиришномани юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартнома кучга кирганидан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 ноябрь,  
ПҚ-4016-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**891 «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилганлиги муносабати билан мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни химоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустақамлаш ишларига муносиб ҳисса қўшган ҳамда жамиятимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни тақдирлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишонини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунни арафасида топшириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишони билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари тайёрланишини таъминласин.

5. «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 ноябрь,  
ПҚ-4017-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги  
ПҚ-4017-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси  
учун» кўкрак нишони тўғрисида  
НИЗОМ**

1. «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони (кейинги ўринларда кўкрак нишони деб аталади) билан мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ишларига муносиб ҳисса қўшган ҳамда жамиятимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳамда ташаббускор фуқаролар тақдирланадилар.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

2. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб аталади) томонидан амалга оширилади.



Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Маслаҳат кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ҳудудлар миқёсида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларига тақдим этилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар кўриб чиқилиб, ҳар йили 15 ноябргача Маслаҳат кенгашига тақдим этилади.

5. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш ва тақдирлаш учун номзодларни танлаб олиш тартиби Маслаҳат кенгаши томонидан белгиланади.

6. Маслаҳат кенгаши йиғилишида ушбу низомнинг 4-бандида назарда тутилган таклифлар кўриб чиқилади ва тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилинади.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги қарор тегишли матбуот нашрларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

7. Кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси 8 декабрь — Конституция куни байрами арафасида Маслаҳат кенгаши раҳбари (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

8. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

9. Бир шахс кўкрак нишони билан, қоидага кўра, бир марта мукофотланади.

10. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги  
ПҚ-4017-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган  
ҳиссаси учун» кўкрак нишонининг  
ТАВСИФИ**

«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказий қисмида доира шаклда тўқ

сарик рангда 5 нафар одам (бош ва елка қисмлари) силуэтининг бирлашмаси ҳамда унинг икки ёнида дафна япроқлари акс эттирилган. Дафна япроқларининг юқори қисмида саккиз қиррали юлдуз жойлашган, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган.

Нишоннинг ташқи айланасининг пастки қисмида учта юлдуз ва ташқи айлананинг атрофи бўйлаб «FUQAROLIK JAMIYATINI RIVOJLANTIRISHGA QO‘SHGAN HISSASI UCHUN» сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон харитаси тасвири туширилган глобус устида кўкка парвоз қилишга интилаётган учта турна тасвири акс этган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Кўкрак нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 17 миллиметр. Қадағич эни 22 миллиметрли кўк рангли шойи лента билан қопланган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

**«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга  
қўшган ҳиссаси учун»  
КЎКРАК НИШОНИ**

олд томони



орқа томони



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги  
ПҚ-4017-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган  
ҳиссаси учун» кўкрак нишони гувоҳномасининг  
ТАВСИФИ**

«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони гувоҳномаси 160 x 110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв. м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ яшил рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли тўрт сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «FUQAROLIK JAMIYATINI» иккинчи ва учинчи сатрда «RIVOJLANTIRISHGA QO'SHGAN HISSASI UCHUN», тўртинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 14-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVONNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар тўқ яшил рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVONNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

«GUVONNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизикдан 6 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston Respublikasi Prezidenti», иккинчи сатрда «huzuridagi Fuqarolik jamiyatini», учинчи сатрда «rivojlantirish bo'yicha maslahat», тўртинчи сатрда «kengashining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20\_\_ у. «\_\_» \_\_\_\_\_dagi», иккинчи сатрда «\_\_-sonli Qaroriga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 5 миллиметрли тўрт сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «FUQAROLIK JAMIYATINI» иккинчи ва учинчи сатрларда «RIVOJLANTIRISHGA QO'SHGAN HISSASI UCHUN» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль), тўртинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Maslahat kengashi», иккинчи сатрда «rahbari» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

**«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган  
хиссаси учун» кўкрак нишони  
ГУВОҲНОМАСИ**



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 892 Пахта толасини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида\*

Мавжуд тўқимачилик ишлаб чиқаришларининг барқарор фаолиятини таъминлаш, «Ўзпахтасаноат» АЖ терминалларида пахта толаси қолдиқларини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 февралдаги 106-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 2-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Пахта толасини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низом 15-бандининг биринчи хатбошидаги «10 фоиз миқдоридаги» сўзларидан кейин «, 2017 йилги ҳосил пахта толаси қолдиқларига эса 15 фоиз миқдоридаги» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Н.С. Отажонов, «Ўзпахтасаноат» АЖ бошқаруви раиси А.И. Максудов ва «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси раиси И.Ў. Ҳайдаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 ноябрь,  
923-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**893** Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида\*

Қорақалпоғистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, халқаро спорт мусобақаларида иштирок этадиган ёшларни тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

спорт фаолияти, жисмоний тарбия ва спорт менежменти, мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт, психология (спорт) таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

хизматлар ва соғломлаштириш тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда спорт соҳасига йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш ва ишланмаларни амалга ошириш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларидаги республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Филиалнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиалининг тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиалида бакалаврлар тайёрлаш бўйича таълим йўналишлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректорига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда ходимларнинг белгиланган штатдаги ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Филиал тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки, Филиал Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ҳисобварақларига эга бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталарини ишлаб чиқишда Филиалга 50 нафар талаба қабул қилишини назарда тутсин.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Филиалга талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Филиалнинг устави ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини, шунингдек, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Филиалнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, спорт ташкилотлари ва спорт федерациялари (уюшмалари)да катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассислардан иборат юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Филиал учун мослаштирилган ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини;

Филиалда ўқув-методик жараёни самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Нукус шаҳар, Қорақалпоғистон кўчаси, 24-уй манзилида жойлашган Нукус спорт коллежининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда Филиалга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зарурат бўлганда Филиалнинг тўлақонли фаолият юритиши учун уни қўшимча бино ва иншоотлар, ер майдонлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, Нукус спорт коллежи ўқувчилари ўқишни битиргунларига қадар Филиал биноларида ўқув жараёнини давом эттирадилар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Филиалга хизмат сафарига юборилган педагоглар ва уларнинг оила аъзоларини педагоглар Филиалда ишлаган даврда турар жой билан таъминлаш, уларнинг фарзанд-

ларини мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

9. Қўйидагилар Филиалнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;  
хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган параметрларини шакллантиришда Филиални сақлаш харажатлари учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Филиалга 2 та, шу жумладан, 1 та шахсий ва 1 та навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2020 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда Филиалнинг ўқув биносини реконструкция қилиш, янги спорт мажмуаси қуриш ва уларни жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Филиалда ахборот ва мультимедиа ускуналари қўлланилган, шу жумладан, масофадан ўқитишни назарда тутган ҳолда замонавий таълим технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 ноябрь,  
924-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 13 ноябрдаги 924-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт  
университетининг Нукус филиалида бакалаврлар тайёрлаш  
бўйича таълим йўналишлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Йўналиш шифри	Таълим йўналиши
<b>2019/2020 ўқув йили учун</b>		
1.	5610514	Спорт фаолияти: бадий гимнастика
2.	5610515	Спорт фаолияти: дзю-до
3.	5610501	Спорт фаолияти: баскетбол
4.	5610503	Спорт фаолияти: волейбол
5.	5610511	Спорт фаолияти: эшак эшиш
6.	5610516	Спорт фаолияти: эркин кураш
7.	5112300	Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт
8.	5210202	Психология (спорт)
<b>2020/2021 ўқув йилидан бошлаб*</b>		
9.	5610502	Спорт фаолияти: бокс
10.	5610506	Спорт фаолияти: сузиш
11.	5610520	Спорт фаолияти: кураш
12.	5610513	Спорт фаолияти: футбол
<b>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб*</b>		
13.	5610507	Спорт фаолияти: енгил атлетика
14.	5610510	Спорт фаолияти: оғир атлетика
15.	5610508	Спорт фаолияти: қўл тўпи
16.	5610538	Спорт фаолияти: юнон-рум кураши

\* 2020/2021 ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб қўшимча равишда тегишли таълим йўналишлари назарда тутилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**894** Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида\*

Қорақалпоғистон Республикасининг саноат салоҳиятини ошириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергетикаси, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш, кончилик иши, кончилик электр механикаси, машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш, кимёвий технология йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий технологияларни синаб кўриш ва жорий этишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш ва ишланмаларни амалга ошириш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларидаги республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Филиалнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Қуйидагилар:

Навоий давлат кончилик институти Нукус филиалининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиалида бакалаврлар тайёрлаш бўйича таълим йўналишлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Навоий давлат кончилик институти ректорига, зарурат бўлганда, ходим-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларнинг белгиланган штатдаги ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Филиал тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки, Филиал Навоий давлат кончилик институтининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида зарур шахсий ҳисоб-варақларига эга бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталарини ишлаб чиқишда Филиалга 50 нафар талаба қабул қилинишини назарда тутсин.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Филиалга талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

6. «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Филиалнинг устави ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини, шунингдек, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Филиалнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг катта амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Филиал учун мослаштирилган ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини;

Филиалда ўқув-методик жараёни самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

7. Филиал Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси 24-уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зарурат бўлганда Филиалнинг тўлақонли фаолият юритиши учун уни қўшимча бино ва иншоотлар, ер майдонлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Филиалга хизмат сафарига юборилган педагоглар ва уларнинг оила аъзоларини педагоглар Филиалда ишлаган даврда турар жой билан таъминлаш, уларнинг фарзандларини мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

9. Қўйидагилар Филиалнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган параметрларини шакллантиришда Филиални сақлаш харажатлари учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Филиалга 2 та, шу жумладан, 1 та шахсий ва 1 та навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2020 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда Филиалнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, ўқув-лаборатория ва ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

12. «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Филиалда ахборот ва мультимедиа ускуналари қўлланилган, шу жумладан, масофадан ўқитишни назарда тутган ҳолда замонавий таълим технологияларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С. Султонов, «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори Қ.С. Санақулов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 ноябрь,  
925-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 13 ноябрдаги 925-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиалида  
бакалаврлар тайёрлаш бўйича таълим йўналишлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Йўналиш шифри	Таълим йўналиши
<b>2019/2020 ўқув йили учун</b>		
1.	5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)
2.	5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
<b>2020/2021 ўқув йилидан бошлаб*</b>		
3.	5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш- шини жиҳозлаш ва автоматлаштириш
4.	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаш- тириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)
<b>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб*</b>		
5.	5312200	Кончилик электр механикаси
6.	5321100	Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича)

*\* 2020/2021 ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб қўшимча равишда тегишли таълим йўналишлари назарда тутилади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**895 Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг  
Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илм-фан ютуқлари асосида ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик сингари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ветеринария сервиси сифатини ошириш, эпизоотик оёйишталикни ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, соҳада етук билимли ва илмий салоҳиятли кадрлар салмоғини кўпайтириш, аҳолининг ветеринария медицинаси соҳасидаги билим даражасини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали Ветеринария ва зоотехния факультети негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Нукус филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: меҳнат бозорининг эҳтиёжига мувофиқ ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун янги ва замонавий билимларга эга бўлган юқори малакали кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш; ветеринария таълими мазмунида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, инновацион ғоялар ва ишланмалар, юқори унумли ва ресурсларни тежайдиган илғор технологиялар бўйича билимлар бериш, ўқув-лаборатория базасини ривожлантириш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш;

хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассисларини жалб этган ҳолда ветеринария ва чорвачилик соҳалари бўйича педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини ва масофадан ўқитиш усуллари жорий этиш;

профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибасини узлуксиз ривожлантириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий салоҳиятини ривожлантиришда хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш, хорижий илмий ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва тажриба орттиришини ташкил этиш;

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишларни ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда соҳанинг илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш, сотишга ихтисослашган барча тоифадаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар базасида талабаларнинг амалиётларини ташкил этиш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Филиалнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

### 3. Қўйидагилар:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиалининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Нукус филиалида бакалаврлар тайёрлаш бўйича таълим йўналишлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректорига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ходимларнинг белгиланган штатдаги ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Филиал тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки, Филиал Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида зарур шахсий ҳисобварақларига эга бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталарини ишлаб чиқишда Филиалга 50 нафар талаба қабул қилишини назарда тутсин.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Филиалга талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат ветеринария қўмитаси икки ҳафта муддатда:

Филиалнинг устави ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини, шунингдек, унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Филиалнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг катта амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Филиал учун мослаштирилган ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

Филиалда ўқув-методик жараёни самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

7. Филиал Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси 24-уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зарурат бўлганда Филиалнинг тўлақонли фаолият юритиши учун уни қўшимча бино ва иншоотлар, ер майдонлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Филиалга хизмат сафарига юборилган педагоглар ва уларнинг оила аъзоларини педагоглар Филиалда ишлаган даврда турар жой билан таъминлаш, уларнинг фарзандларини мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

9. Куйидагилар Филиалнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;  
хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган параметрларини шакллантиришда Филиални сақлаш харажатлари учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Филиалга 2 та, шу жумладан, 1 та шахсий ва 1 та навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2020 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда Филиал ўқув биносини реконструкция қилиш, янги виварий ҳамда клиника бино ва иншоотларини қуриш, ўқув-лабораториялари ва ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Филиалда ахборот ва мультимедиа ускуналари қўлланилган, шу жумладан, масофадан ўқитишни назарда тутган ҳолда замонавий таълим технологияларини жорий этиш бўйича аниқ тадбирлар режасини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



Давлат ветеринария қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Б.Т. Норқобилов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 ноябрь,  
926-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 13 ноябрдаги 926-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг  
Нукус филиалида бакалаврлар тайёрлаш бўйича  
таълим йўналишлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Йўналиш шифри	Таълим йўналиши
<b>2019/2020 ўқув йили учун</b>		
1.	5410604	Зооинженерия: йилқичилик ва туячилик
2.	5410607	Зооинженерия: балиқчилик
3.	5440101	Ветеринария медицинаси (йирик шохли моллар касалликлари)
<b>2020/2021 ўқув йилидан бошлаб*</b>		
4.	5440300	Ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари
5.	5440105	Ветеринария медицинаси (парранда касалликлари)
6.	5410601	Зооинженерия: қорамолчилик
<b>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб*</b>		
7.	5410603	Зооинженерия: қоракўлчилик
8.	5440400	Ветеринария санитария экспертизаси
9.	5440102	Ветеринария медицинаси (майда шохли моллар касалликлари)

\* 2020/2021 ва 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб қўшимча равишда тегишли таълим йўналишлари назарда тутилади.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**896 Суғориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3086*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ–3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Суғориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 октябрь,  
52-сон

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил  
9 октябрдаги 52-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Суғориш тармоқлари (каналлар)да балиқ етиштириш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ–3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ суғориш тармоқларида (каналларда) (бундан буён матнда суғориш тармоғи деб юритилади) балиқ етиштириш тартибини белгилайди.

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Суғориш тармоғида балиқ етиштириш суғориш тармоғининг чуқурлиги ёки саёзлигидан келиб чиққан ҳолда қафасларда ёки суғориш тармоғининг қирғоқларини тўр билан тўсиш орқали амалга оширилади.

2. Суғориш тармоқларида балиқ етиштириш:

қафасларда балиқ етиштириш даврида суғориш тармоғидаги сувнинг сатҳи 2,5 метрдан кам бўлмаган жойларда;

сув сатҳи 2,5 метрдан паст бўлган жойларда суғориш тармоғининг қирғоқларини тўр билан тўсиш йўли орқали амалга оширилади.

Балиқ етиштириш суғориш тармоғининг техник ҳолатига ҳамда сув оқимига таъсир кўрсатмайдиган жойларда амалга оширилиши шарт.

**2-боб. Суғориш тармоғида балиқ етиштиришни ташкиллаштириш**

3. Суғориш тармоқларида балиқ етиштиришни режалаштираётган шахс балиқ етиштиришдан олдин тегишли ҳудуддаги Туман ирригация бўлимини ёзма равишда хабардор қилади. Бунда балиқ етиштириш режалаштирилаётган суғориш тармоғининг аниқ жойи, суғориш тармоғига жойлаштириш режалаштирилаётган қафаснинг ёки тўр билан тўсиш режалаштирилаётган қирғоқнинг ўлчамлари ҳақидаги маълумотлар тақдим қилинади.

4. Туман ирригация бўлими балиқ етиштириш режалаштирилаётган суғориш тармоғидан фойдаланиш ҳамда у билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли тавсиялар беради.

5. Туман ирригация бўлими балиқ етиштиришни режалаштираётган шахсни суғориш тармоғида бажарилиши режалаштирилган таъмирлаш ишлари ҳамда бошқа амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий ишлар ҳақида олдиндан огоҳлантириши зарур.

**3-боб. Суғориш тармоқларида балиқ етиштириш усуллари**

6. Қафас суғориш тармоғидаги сув оқимининг тезлиги секундига 10 сантиметрдан кўп бўлмаган, шунингдек суғориш тармоғидаги сувнинг чуқурлиги 2,5 метрдан кам бўлмаган жойларга жойлаштирилади.

7. Суғориш тармоқларида қафаслар алоҳида ёки секцияли ёхуд бир-бирига боғланган ҳолда ўрнатилади ҳамда суғориш тармоғининг қирғоғига маҳкамланади. Бунда қафас суғориш тармоғини энининг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

8. Қафас суғориш тармоғининг кенглиги, чуқурлиги ҳамда ундаги сув оқимининг тезлигидан келиб чиққан ҳолда турли ҳажм ва шаклларда тайёрланади.

9. Суғориш тармоқларига балиқ чавоқларини жойлаштиришдан олдин сувнинг гидрокимёвий ҳолати ўрганилади.

10. Балиқ чавоқларини суғориш тармоғидаги сувга туширишдан олдин балиқ чавоқлари сақланаётган сувнинг ҳарорати суғориш тармоғи сувининг ҳароратига тенглаштирилади.

11. Суғориш тармоқларида балиқ етиштиришда фойдаланиладиган қафас ва тўрлар капрон ёки пишиқ сунъий толадан тўқилган ёхуд тайёрланган бўлиши, шунингдек қафас ёки тўр тешикларининг катталиги унда етиштирилиши режалаштирилаётган балиқ чавоқлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 6 миллиметрдан — 2 сантиметргача ўлчамда бўлиши тавсия этилади.

12. Суғориш тармоғига жойлаштириладиган қафаслар темир ёки пластмассадан фойдаланган ҳолда тайёрланган бўлиши керак. Бунда қафас суғориш тармоғининг чуқур бўлган жойларида сув остига чўкиб кетишини олдини олиш мақсадида, қафаснинг сув устидаги қисмига бочка, пластмасса труба ёки пластмасса қопланган пўкак понтонлар, шунингдек, уни сув остига тушиб кетмаслигини таъминловчи материаллар маҳкамланиши лозим.

13. Балиқ етиштириш суғориш тармоғининг саёз бўлган ҳамда сув оқимида халақит қилмайдиган жойларидаги қирғоқларни тўр билан тўсиш йўли орқали амалга оширилади.

14. Суғориш тармоғини қирғоқларда ҳамда сув тубида ўсган ўсимликлардан тозалаш ҳамда сувнинг тўсиқларсиз оқишини таъминлаш мақсадида, ушбу суғориш тармоғининг 1 километр бўлган масофадаги қисмига 100 — 150 дона 1 йиллик ўт билан озукаланадиган балиқ чавоқларини ташлаш тавсия этилади.

15. Суғориш тармоқларида етиштирилаётган балиқлар омукта ем билан озиклантирилади.

16. Суғориш тармоқларида балиқ етиштиришда суғориш тармоғи ва унинг қирғоқларига салбий таъсир этувчи ишларни (қазиш ва қурилиш ишларини) амалга оширишга йўл қўйилмайди.

17. Балиқ етиштириш суғориш тармоғи гидротехник иншоотларидан камида 100 метр узоқ масофада амалга оширилади.

18. Суғориш тармоғида балиқ етиштираётган шахс балиқларни етиштириб бўлгандан кейин, шунингдек, балиқ етиштириш мавсуми тугаганда, у томондан суғориш тармоқларида ўрнатилган қафас ва бошқа мосламаларни йиғиб олиши шарт.

#### **4-боб. Яқуний қоида**

19. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан келишилган.

*Сув хўжалиги вазири*

*Ш. ХАМРАЕВ*

*2018 йил 8 октябрь*

*Давлат солиқ қўмитаси раисининг  
биринчи ўринбосари*

*Б. МУСАЕВ*

*2018 йил 4 октябрь*

*«Ўзбекбалиқсаноат»  
уюшмаси раиси*

*А. ЭРГАШЕВ*

*2018 йил 5 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **897** **Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3087*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 19 октябрдаги 113-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2946, 2017 йил 8 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 09.11.2017 й., 10/17/2946/0236-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 октябрь,  
50-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил  
22 октябрдаги 50-сон буйруғига  
ИЛОВА

### Рецептсиз бериладиган дори воситалари РЎЙХАТИ

МОНОПРЕПАРАТЛАР Т/р		
Т/р	Халқаро патентланмаган номи	Дори шакли
1.	L-АРГИНИН АСПАРТАТ	орал эритма 200 мг/мл
2.	L-ОРНИТИН-L-АСПАРТАТ	ичга қабул қилиш учун суспензия тайёрлаш учун гранулалар 3 г, 5 г
3.	АЗЕЛАИНОВАЯ КИСЛОТА	сиртга қўллаш учун 15% ли гель 5 г, 30 г, сиртга қўллаш учун крем 30 г
4.	АЗЕЛАСТИН	дозаланган назал спрей 140 мкг/доза 10 мл (60 доза); назал спрей, эритма 10 мл
5.	АЛЬФА-ТОКОФЕРОЛ	капсулалар 100 мг, 200 мг, 400 мг
6.	АЛЮМИНИЯ ФОСФАТ	ичга қабул қилиш учун гель 16 г, 20 г
7.	АМБАЗОН	шмиш учун таблеткалар 10 мг, лимон таъмли 10 мг
8.	АМБРОКСОЛ	сироп 3 мг/мл, 15 мг/5 мл, 30 мг/5 мл 40 мл, 50 мл, 80 мл, 90 мл, 100 мл, 125 мл, 150 мл, 200 мл, сироп 15 мг/мл, 30 мг/мл 100 мл, 200 мл, педиатрик сироп 15 мг/5 мл 100 мл, 120 мл, 125 мл, 150 мл; таблеткалар 30 мг, вишилловчи таблеткалар 60 мг, йўталга қарши таблеткалар 30 мг, таъсири узайтирилган таблеткалар 75 мг, таъсири узайтирилган капсулалар 75 мг, ичга қабул қилиш учун ва ингалиция учун эритма 7,5 мг/мл 40 мл, ичга қабул қилиш учун эритма 7,5 мг/мл 50 мл, 100 мл, ичга қабул қилиш учун малина ароматизаторли эритма 15 мг/5 мл 100 мл
9.	АМИНОДИГИДРОТАЛАЗИН-ДИОН НАТРИЯ	ректал суппозиторийлар 50 мг, 100 мг, тил ости таблеткалари, 25 мг, 100 мг
10.	АММИАК	10% ли эритма 10 мл, 15 мл, 20 мл, 25 мл, 40 мл, 90 мл, 100 мл
11.	АРГИНИНА ГЛЮТАМАТ	таблеткалар 0,25 г
12.	АСКОРБИНОВАЯ КИСЛОТА	таблеткалар 0,05 г, 75 мг, 100 мг, чайналадиган таблеткалар 25 мг, 250 мг, 200 мг, 300 мг, вишилловчи таблеткалар 1 г, драже 50 мг, ичга қабул қилиш учун томчилар 100 мг/мл 10 мл, 30 мл, кукун 1,0 г, 2,5 г, вагинал таблеткалар 250 мг
13.	АЦЕКЛОФЕНАК	плёнка қобиқ билан қопланган таблеткалар 100 мг; сиртга қўллаш учун крем 1,5% — 60 г
14.	АЦЕТИЛАМИНОНИТРОПРО-ПОКСИБЕНЗЕН	драже, қобиқ билан қопланган таблеткалар
15.	АЦЕТИЛЦИСТЕИН	плёнка қобиқ билан қопланган таблеткалар 200 мг, вишилловчи таблеткалар 100 мг, 200 мг, 600 мг, орал эритма учун кукун 100 мг/3 г, 200 мг/3 г, 600 мг/3 г, ичга қабул қилиш учун эритма тайёрлаш учун 100 мг, 200 мг гранулалар 2 г, 3 г, 30 г, 60 г, ичга қабул қилиш учун 200 мг кукун, 3 г, ичга қабул қилиш учун эритма 20 мг/мл 100 мл, 200 мл; ичга қабул қилиш учун эритма тайёрлаш учун кукун 600 мг; капсулалар 200 мг
